

## ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИДА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИГА ДОИР БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ

**Ахмедов Абдумирхаким Мирхалилович**

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти  
Миллий тадқиқот университети Физика ва кимё кафедраси доценти кимё фанлари номзоди*

---

### ARTICLE INFO.

---

**Калит сузлар:** касбий таълим, билим, кўникма, меъёрий – хуқуқий хужжатлар, индукция методи, меҳнат бозори.

---

### Аннотация

---

Мақолада талаблар асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури учун давлат таълим талабларини ишлаб чиқишида фаолият турларига доир билим, кўникма ва малакаларни танлаш мезонлари келтириб ўтилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2024 LWAB.

---

Ҳар қандай таълим меъёрий-хуқуқий хужжатларини ишлаб чиқишида таълим тури олдига белгиланган мақсад ва вазифаларни ижросини таъминлаш ва уни сифат жиҳатидан юқори бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир касбий йўналиш бир нача фаолият турларини қамраб олади, шунинг учун таълим ва меҳнат бозорларини узвийлигини таъминлашда биринчи навбатда меҳнат бозори талаблари асосида фаолият турларини ишлаб чиқишига керак бўлади.Faолият турлари ишлаб чиқилгандан кейин унга доир билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ меҳнат бозори талаблари асосида ишлаб чиқиш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади. Faолият турларига доир билим, кўникма ва малакаларни танлаш усулларини ўрганишдан асосий мақсад, таълим сифатини меҳнат бозори талаблари даражасида белгилаш иборатдир. Ушбу бўлимда фаолият турларига доир билим, кўникма ва малакаларни танлаш усулларини тадқиқ этиш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турини ислоҳ қилишида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ҳар қандай касбий соҳа билимларни уч турга бўлиш мумкин, булар:

- **ўзлаштирилган билимлар** – бу олий таълим муассасаларида ёки олдинги малака ошириш курсларида эгалланган билимлар тушунилади.
- **фойдаланилмайдиган билимлар** – бу бугунги меҳнат бозорида бундай билимларга, зарурат йўқ, яъни малака оширишда бу билимлардан фойдаланилмайди. Бирок, бу билимларни фойдаланишга мутлақ яроқсиз деб ҳам тушуниш керак эмас, чунки мазкур билимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришида базавий аҳамиятга эга.
- **янги билимлар** – булар меҳнат бозорининг ривожланиши жараёнида пайдо бўлган янги билимлар тушунилади. Мазкур билимлар таълим турининг асосий мақсад ва вазифаларини ҳамда унинг сифати ва миқдорини белгилайди.

Фаолият турига доир билимлар меҳнат бозорида пайдо бўлган янги билимларни қамраб олиши билан бирга, уларнинг узвийлик асосида танланиши тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси юқори бўлишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Таълим узвийлигини таъминлашда таълим

меъёрий-хукуқий ҳужжатларини фандадан олинган дедуктив усули асосида ишлаб чиқиши билан эришиш мумкин бўлади. Ушбу метод умумий билимлар асосида ҳар бир фаолият тури билим, кўникма ва малакаларни алоҳида танлаб олишдан иборат бўлади. Муаян таълим муддати факат бир фаолият турига доир билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Билимлар бир мақсадга қаратилган воқеа ва ҳодисаларни қамраб олади. Бу эса, таълим узвийлигини меҳнат бозори талаблари асосида ташкил қилиш имкониятини беради. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, тингловчилар ўзлаштираётган билимлари бир мақсадга қаратилганлиги сабабли, кетма-кет тушуниб боришларини таъминлаб, эслаб қолиш даражасидаги ўзлаштиришни ва маълумотларни яхлит тассавур қилиш имкониятини юзага келтиради. Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдауларнинг фаоллик даражаси юкори бўлишини таъминлайди[1-4]. Бугунги кунда касбий таълимда фойдаланилаётган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар индукция методи асосида ишлаб чиқилган. Ушбу метод касбий таълим билим, кўникма ва малакаларни умумийлик ёндашувда ўзлаштиришга асосланган ўкув режа ва дастурлари ишлаб чиқилган. Бундай тартибда ишлаб чиқилган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида таълим жараёнини узвийлигини тўлиқ таъминлаш мумкин эмас. Бу эса, тингловчиларнинг ўзлаштириш сифатига салбий таъсир этади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатди, меъёрий-хукуқий ҳужжатларни индукция методида эмас балки, дедукция методида ишлаб чиқилиши белгиланган мақсадларни амалга оширишда қулай ва аниқ натижада беради.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турида давлат таълим талабларини ишлаб чиқишида мамлакатда ижтимоий – иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижросини таъминлашнинг стратегик асосларига доир билим, кўникма ва малакаларни алоҳида фаолият тури сифатида киритиш мақсадга мувофиқидир. Ҳар бир мутахассис кадр амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижроиси ҳамда ташаббускори сифатида фаолият олиб боришларини бугунги меҳнат бозоритақозо этмоқда. Шунинг учун мутахассислар соҳага доир билимлардан ташқари ижтимоий-иқтисодий билимларга ҳам эга бўлишлари лозим. Бу билимлар мутахассисларни ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб шаклланишларида мухим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд қилинган талаблар асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим тури учун давлат таълим талабларини ишлаб чиқишида фаолият турларига доир билим, кўникма ва малакаларни танлаш мезонлари қўйидагилардан иборат:

- фаолият тури бўйича муаян вақт давомида меҳнат бозорида пайдо бўлган янги билимларни тўлиқ қамраб олиш;
- фаолият турига доир илм-фан ютуқлари ва меҳнат бозорининг истиқболдаги ривожланиши тўғрисидаги билимларни қамраб олиш;
- фаолият турига доир билим, кўникма ва малакаларни узвийлигини таъминлаш;
- фаолият тури бўйича жамиятнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳамда истиқболдаги тарақиёти тўғрисидаги янги билим, кўникав ва малакаларни қамраб олиши;


Юқорида қайд қилинган мезонлар асосида фаолият турига доир билимларнинг танланиши таълим тури олдига хукуматимиз томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларга тўла мос келади.

Демак, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун ишлаб чиқилган давлат таълим талабларида киритиладиган билимлар микдори мутахассисларнинг олдинги таълим турларида ёки малака ошириш курсларида эгаллаган билимларидан кейин меҳнат бозорида пайдо бўлган янги билимлар асосида белгиланади. 1-расмда келтирилганидек, бунда тингловчиларни L1 – билимлар соҳаси бўйича ўрта маҳсус ва олий таълим муассалари ҳамда олдинги малака ошириш курсларида ўзлаштирган билимлар микдори бўлса, L2 –муайян соҳада маълум вақт давомида

мехнат бозорида пайдо бўлган билимлар миқдоридир. Бу ерда L<sub>2</sub> – малака ошириш таълим тури учун давлат талабларини ишлаб чиқишида билимлар миқдорини белгиловчи асосий кўрсаткич хисобланади. Агар L<sub>2</sub> = 0 бўлса, демак бу фаолият тури бўйича малака оширишга эҳтиёж қолмайди. L<sub>3</sub> – соҳа бўйича жами билимлар тўлиқ миқдори бўлиб, қиймат жиҳатидан L<sub>1</sub> + L<sub>2</sub> = L<sub>3</sub> гатенг бўлади. Демак, L<sub>3</sub> – доимий ривожланиб бориш хусусиятига эга бўлиб, L<sub>2</sub> – билимлар миқдори соҳа бўйича тингловчиларнинг охирги таълим турида ўзлаштирган билимларининг миқдори ва меҳнат бозори талабларининг ривожланишига қараб турли миқдорда бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш даражаси, уларда фаолият кўрсатаётган мутахассис кадрларнинг билим даражасига кўп жиҳатдан боғлик. Шунинг учун, ушбу таълим турининг мамлакатимизда ташкил қилинишининг асосий мақсади мутахассис кадрларни касбий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини янгилаб бориши ҳамда соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ижросини таъминлаш янада жадаллаштириши кўзда тутади. Айниқса, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда туб ўзгаришлар юз берәётган бир пайтда ушбу таълим турига эҳтиёж кескин ортиб бориши кузатилади. Давлат таълим талабларини ишлаб чиқишида билимлар сифати бугунги меҳнат бозори талаблари ҳамда ҳукуматимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ислоҳ қилишда олиб бораётган сиёсатига мос келиши зарур. Жамоаларда иш жараёнларини ташкил қилиш, бошқариш ва такомиллаштиришга доир билимларни қамраб олиши лозим. Билимлар сифати – ҳар бир соҳани ислоҳ қилиш, белгиланган мақсадларга олиб борувчи тизимни яратиш ҳамда уларни реал ҳаётда ижросини таъминлаш даражасига боғлик.

### 1-расм Малака ошириш таълим турида таълим узлуксизлигини таъминлаш схемаси



L<sub>1</sub> - ўрта махсус, олий ва малака оширишда ўзлаштирилган билимлар.

L<sub>2</sub> – касбий йўналиш бўйича жами билимлар миқдори.

L<sub>3</sub> - малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турида ўзлаштириш зарур бўлган билимлар.

Малака оширишда билим сифати ва миқдори меҳнат бозори ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт талаблари асосида белгиланиши касбий соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, меҳнат бозорида янги билимларнинг шаклланиши касбий таълимда ҳам ўз аксини топиши керак. Билимлар сифати ва миқдори моддий предмет сифатида мавжуд эмас, шунингдек, уларни бирбиридан ажратиб ҳам бўлмайди. Шу боис, меҳнат бозорининг ривожланиши билимларнинг

сифат даражасини белгилайди. Билим сифатининг муайянлиги, уларнинг барқарор ривожланишини ва билимлар чексизлиги тўғрисидаги тушунчаларни юзага келтиради. Билимнинг сифати касбий таълимнинг муайянлигидир. Билим сифати касбий таълим билан боғлик бўлиб, уни тамомила қамраб олади ва уни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Таълим бозоридаги билимлар сифати, меҳнат бозоридаги янги билимларни қамраб олиш даражасига ҳам боғлик. Касбий таълимда билим сифатининг муайянлиги билан бир қаторда миқдор муайянлигига ҳам эга бўлади. Билим миқдори касбий таълимда шундай муайянликдирки, у туфайли билимлар соҳаларга бўлинади ҳамда соҳа билимларини бир бутун қисмга тўплаш мумкин. Фаолият тури бўйича билимларнинг шаклланиш тартиби қуидагилардан иборат: биринчидан – фаолият тури билимлари меҳнат бозорининг талаблари асосида белгиланади; иккинчидан – фаолият турининг билимлари соҳага доир касбий фанлар ҳамда турли шаклдаги услугубий мажмуалар таркибида бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- Холмуродов Р., Солеев А. Бакалавриат: о некоторых итогах введения государственных образовательных стандартов, типовых учебных планов и предложения. Таълим муаммолари. Тошкент-2000, №4, 21-226.
- Перегудов Л.В. Интегрированные курсы как основа ГОСов и учебных планов нового поколения. Таълим муаммолари. Тошкент-2004, №2-4, 3-66.
- Мирсаидов Г.М., Шаходжаев Л.Ш. Унификация типовых учебных планов бакалавриата. Ta'lim muammolari. Тошкент-2000, №4, 226.
- Перегудов Л.В. Основы интеграции образования, науки и производства. Ta'lim muammolari. Тошкент-2000, №4, 86-876.
- Йўлдошев Ж.Ғ. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. Т.: Ўқитувчи нашриёти, 1998. -826.